«ТАСДИҚЛАЙМАН»
“Деҳқонобод калий заводи” АЖ
бошқаруви раиси ўринбосари
_____________ Р.О.Тўрақўлов
«___»_____________ 2021 й.

**“Деҳқонобод калий заводи” АЖни ТКМда геология-маркшейдирлик хизматлари фаолияти сифати ва аниқлигини оширишни таъминлаш учун ваколатли ташкилотни танлаш бўйича**

# ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИ

Дехконобод – 2021 й.

## I. ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 | **Умумий қоидалар.** | 1.1 | Мазкур танлаш ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни (кейинги ўринларда – Қонун) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20.02 даги “Лойиҳа олди, лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва контрактларни экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3550 сонли қарори (кейинги ўринларда – қарор) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган. |
| | | 1.2 | **Танлаш предмети: “Деҳқонобод калий заводи” АЖни ТКМда геология-маркшейдирлик хизматлари фаолияти сифати ва аниқлигини оширишни таъминлаш учун ваколатли ташкилотни танлаш бўйича:** |
| | | 1.3 | **Танлашнинг охирги қиймати бажариладиган ишлар учун ҚҚС билан 47 174 265 (кирқ етти миллион бир юз етмиш тўрт минг) сўмдан ошмаслиги керак.** Танлаш таклифида кўрсатилган нархлар охирги қийматдан юқори бўлмаслиги керак. |
| | | 1.5 | Хизмат кўрсатиш бўйича техник топшириқлар танлаш ҳужжатларининг техник қисмида келтирилган. |
| | | 1.6 | Харид комиссияси йиғилиши шакли – сиртдан ёки иштирокчилар билан юзма юз учрашган ҳолда. |
| 2 | **Танлаш иштирокчилари** | 2.1 | “Деҳқонобод калий заводи” АЖ танлаш буюртмачиси (кейинги ўринларда “Буюртмачи”) ҳисобланади. Мулкчилик шаклидан қатъий назар исталган юридик шахслар, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари-танлаш иштирокчилари<br><br>“Буюртмачи” манзили: Қашқадарё вилоят Деҳқонобод туман Бешбулоқ қишлоғи “Деҳқонобод калий заводи” АЖ |
| | | 2.2 | Ташкилотчининг мулоқот қилувчи шахси:<br>Тел.(99 891) 450-72-00 маъсул ходим Б.Остонов,<br>ТКМ бошлиғи И.Жумаев (998 75) 612 60 01 |
| | | 2.3 | “Деҳқонобод калий заводи” АЖ харид комиссияси танлаш буюртмачиси (кейинги ўринларда “Ишчи орган”) ҳисобланади. |
| | | 2.4 | Танлаш буюртмачи ташкил қилган камида беш кишидан иборат таркибдаги харид комиссияси томонидан ўтказилади. |
| 3 | **Танлаш иштирокчилари** | 3.1 | Танлашда мулкчилик шаклидан қатъий назар исталган юридик шахслар, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари иштирок этиши мумкин (4.2 бандда келтирилган шахслар бундан мустасно). |

6.3 Иштирокчининг танлаш таклифи харид комиссияси томонидан ишчи органга почта орқали ёки иштирокчи ваколатли шахси орқали етказилади. Танлаш таклифи берилиши санаси ва вақти ишчи орган томонидан танлаш таклифларини рўйхатга олиш журналида қайд қилинади ва иштирокчи ваколатли шахси имзоси билан тасдиқланади (агарда у мавжуд бўлса).

6.4 Танлаш иштирокчиси:

тақдим қилинаётган маълумотлар ва хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва ишончлилиги учун маъсул ҳисобланади;

тақдим қилинган таклифни бундай таклифларни бериш муддати тугагунча қайтариб олиш ёки унга ўзгартириш киритишга ҳақли.

6.5 Танлаш таклифи танлаш шартларига мос бўлган ва қўйидаги маълумотларни қамраб олувчи нархга оид қисмдан ташкил топади: хизматнинг номланиши, хизмат кўрсатиш қиймати, якуний сумма, тўлов шартлари, таклифнинг амал қилиши муддати ва ҳ.з.

6.6 Иштирокчи таклифларни раҳбар имзоси ва ташкилот муҳри билан тасдиқланган ҳолда тақдим қилиниши зарур. Нархга оид таклиф ҳам бошланғич шаклда берилади.

6.7 Танлаш таклифи елимланган конвертда тақдим қилинади (конверт елимланган жойида иштирокчининг муҳри билан).

6.8 **Конверт устки кисмида қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:**

- танлаш предметининг номланиши;
- иштирокчининг номланиши;
- буюртмачининг номланиши ва унинг манзили;
- лот раками;
- “таклифлар берилишининг сўнгги муддатигача очилмасин” (конвертлар очилиши вақти ва санаси кўрсатилсин) деган қайд.

6.9 **Нархга оид таклифлар мавжудлигига талаблар**:

Нархга оид таклиф ва нархлар жадвали ушбу йўриқномага илова қилинадиган белгиланган шаклга мувофиқ ҳолда.

6.10 Ишчи орган ушбу йўриқнома талабларига мос равишда расмийлаштирилган, танлаш таклифлари солинган конвертлар бутлиги ва сақланиши учун маъсул ҳисобланади.

6.11 **Танлаш таклифлари**

**<u>2021 йил «    » соат    -00 гача қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади</u>**:

180405 Қашқадарё вилоят Деҳқонобод туман Бешбулоқ қишлоғи, “Деҳқонобод калий заводи” АЖ

6.12 Иштирокчилар танлаш таклифлари тақдим қилиниш муддати эълон килинган кундан **5 кундан** ошмаслиги керак.

9.7 Таклиф Қонун, қарор ва танлаш ҳужжатлари талабларига жавоб берса, тегишли тарзда расмийлаштирилган, деб ҳисобланади.

9.8 Танлаш комиссияси таклифни берган танлаш иштирокчиси Қонун, қарор ва танлаш ҳужжатлари талабларига жавоб бермаса, ёки танлаш иштирокчисининг таклифи танлаш хужжатлари талабларига мос бўлмаса, таклифни рад этади.

9.9 Танлаш таклифларини баҳолаш жараёнида харид комиссияси танлаш иштирокчиларидан уларнинг танлаш таклифлари бўйича тушунтиришлар сўраб олишга ҳақли. Ушбу таомил расмий равишда, ёзма шаклда танлаш иштирокчилари орқали ўтказилади. Тушунтириш жараёнида таклифни мазмуни, шунингдек нархи бўйича бирон-бир ўзгартиш киритилишига йўл қўйилмайди.

9.10 Агар танлаш иштирокчилари танлаш таклифларини турли валюталарда кўрсатса, таклифлар суммалари уларни баҳолаш пайтида конвертлар очилган сана бўйича танлаш таклифининг нархга оид қисми билан бирга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича ягона валютада ҳисоб-китоб қилинади.

9.11 Танлаш ҳужжатлари ва таклифларида кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажариш бўйича энг яхши шартларни таклиф қилган танлаш иштирокчиси **ғолиб** деб топилади.

9.12 Арифметик ёки бошқа хатолар мавжуд бўлган тақдирда харид комиссияси, бу ҳақда танлаш иштирокчисини хабардор қилгани ҳолда танлаш таклифини рад этишга ёки уларни келгусида кўриб чиқиш бўйича бошқа шартларни белгилашга ҳақли.

9.13 Танлашнинг хорижий ва мамлакатдаги иштирокчилари нархларини адолатли таққослаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатларда, баҳолаш пайтида тегишли харажатлар (солиқлар, божхона тўловлари ва бошқа мажбуриятлар) ҳисобга олинади

9.14 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолашни қайд қилиш **баённома**сида қайд қилинади.

9.15 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолашни қайд қилиш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади, ва ундан кўчирма у имзоланган кундан бошлаб *3 (**уч**)* иш куни ичида махсус ахборот порталида чоп этилади.

9.16 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолашни қайд қилиш баённомаси эълон қилинганидан сўнг танлашнинг ҳар қандай иштирокчиси буюртмачига танлаш натижаларини тушунтириш бўйича сўров юборишга ҳақли. Бундай сўров келиб тушган пайтдан бошлаб 3 (уч) иш куни давомида танлаш иштирокчисига тегишли тушунтиришлар беришга мажбур.

## 10 Томонлар маъсулияти ва махфийликка риоя қилиш

10.1 Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган жавобгарлик қўйидагиларга юклатилади:

12.2. Танлаш комиссияси томонидан ғолиб деб топилган танлаш иштирокчиси буюртмачидан тегишли ёзма хабарнома олади.

12.3. Танлаш ғолиби танлаш шартлари бўйича шартнома тузишдан бош тортган тақдирда, шартнома тузиш ҳуқуқи заҳирадаги ижрочига ўтади. Бунда заҳирадаги ижрочи танлаш ғолиби таклиф килган нархларда шартнома тузиши ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.

*ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМАЛИ БЛАНКАСИДА*

*№:___________*
*Санаси: _______*

**Харид комиссиясига**

**Ариза**

Хизмат кўрсатиш бўйича танлаш ҳужжатларини (*таклиф қилинаётган хизмат турини кўрсатиш*), –сонли сўровларга жавобларни (*ёзма мурожаатлар ва улар бўйича жавоблар мавжуд бўлган ҳолда сўровлар номерларни кўрсатиш)* ўрганиб чиқиб, ушбу ҳужжат билан уларнинг олинганлигини тасдиқлаган ҳолда, биз қуйида имзо чекувчилар *(Танлаш иштирокчисининг номи),* танлаш ҳужжатларига мувофиқ хизматлар кўрсатиш бўйича танлашда иштирок этмоқчимиз.

Шу муносабат билан ташқи конвертда қуйидаги ҳужжатларни йўлламоқдамиз:

**1.** Малакавий ҳужжатлар тўплами ____ бетда (рисола, буклет, проспектлар тақдим қилинган ҳолда варақлар сони ва ҳ.з. лар сони кўрсатилсин);
**2.** Танлаш таклифининг нархга оид қисми.
**3.** Бошқа ҳужжатлар *(бошқа ҳужжатлар тақдим қилинган ҳолда варақлар номи ва сонини кўрсатиш шарт).*

Танлаш таклифини тайёрлаш бўйича маъсул шахснинг Ф.И.О.

Мулоқот учун телефон/факс: ______________________________________________

Электрон почта: ______________________________

Ф.И.О. ва раҳбар ёки ваколатли шахс имзоси

Муҳр ўрни

## Танлаш иштирокчиси ҳақидаги умумий маълумот

| | | |
|---|---|---|
| **1** | Ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган ҳолда юридик шахснинг тўлиқ номланиши | |
| **2** | Рўйхатга олиш ҳақидаги маълумот (рўйхатга олиш санаси, рўйхатга олиш рақами, рўйхатга олувчи орган номланиши) | |
| **3** | Юридик манзил | |
| **4** | Мулоқот учун телефон, факс, e-mail | |
| **5** | Тўлиқ банк реквизитлари | |
| **6** | Фаолиятнинг асосий турлари | |

Танлаш иштирокчиси раҳбари имзоси:________________ М.Ў.

Тузилган сана: 2020 йил «_____»________________.

*ФИРМАЛИ БЛАНКАДА*

ИШОНЧНОМА

Кейинги ўринларда «Компания» деб номланадиган, ______________________________ компанияси (корхона, ташкилот ва ҳ.з.) ушбу Устав асосида иш юритувчи ____________________________ , мазкур шартнома билан Компания вакили – фуқаро _____________________га (паспорт серияси ___ №_______, ________________да ____________ томонидан берилган) қуйидагиларга ваколат беради:

а) танлаш ҳужжатларини тақдим қилиш;

б) танлаш буюртмачиси ва ишчи орган билан музокаралар олиб бориш;

в) харид комиссияси йиғилишларида иштирок этиш;

г) танлаш таклифининг нархига оид масалаларни, шунингдек бошқа масалаларни тушунтириш.

Ушбу ишончнома имзоланган пайтдан бошлаб кучга эга бўлади ва танлаш якунлари бўйича имзоланадиган бандларни келишиш жараёни, уни имзолаш таомили давомида амал қилади.

Шартнома кучга кирган пайтдан бошлаб унга оид ҳуқуқ ва мажбуриятлар улар тўлиқ бажарилгунча тўлиқ ҳажмда “Компания”га ўтади.

Раҳбар ёки ваколатли шахс Ф.И.О. ва имзоси

Ушбу шартнома унинг номига берилган шахс Ф.И.О. ва имзоси

Муҳр ўрни

*КОРХОНА ФИРМА БЛАНКАСИДА*

Танлашга техник таклиф ____________(*танлаш номери ва предмети кўрсатилади*)

*№:*___________ *Сана:* _______

**Харид комиссияси**

**Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!**

___________________ бўйича танлаш ҳужжатларини ва _________ -сонли сўровларга жавобларни (*ёзма мурожаатлар ва улар бўйича жавоблар мавжуд бўлган ҳолда сўровлар номерларни кўрсатиш)* ўрганиб чиқиб, биз, қуйида имзо чеклувчилар (танлаш иштирокчисининг тўлиқ номланиши) ушбу билан уларнинг олинганлигини тасдиқлаймиз ва айни пайтда (*танлаш пердмети иш ва хизматлар*) ___ муддатда бажариб беришни таклиф қиламиз.

Биз танлаш буюртмачи билан тузиладиган шартнома бўйича маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ушбу техник таклифга тўлиқ мос ҳолда бажариб бериш мажбуриятини оламиз.

Танлаш таклифларни қабул қилиниши якунланадиган санагача ____ кун давомида ушбу таклиф қоидаларига амал қилишга розимиз. Ушбу танлаш таклифи биз учун мажбурий бўлиб қолади.

Иловалар:

- Малакавий ҳужжатлар тўплами ____ бетда (рисола, буклет, проспектлар тақдим қилинган ҳолда варақлар сони ва ҳ.з. лар сони кўрсатилсин);
- таклиф қилинаётган (*танлаш пердмети номланиши*) танлаш техник тавсифларининг қиёсий жадвали___бет;
- Танлаш таклифининг нархга оид қисми.
- Бошқа ҳужжатлар *(бошқа ҳужжатлар тақдим қилинган ҳолда варақлар номи ва сонини кўрсатиш шарт).*

*Тақим қилинаётган ҳужжатлар номерланган ҳамда ваколатли шахс томонидан имзоланган ва танлаш иштирокчиси муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак, ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилида тақдим қилиниши мумкин.*

____________________________________

(ваколатли шахс имзоси)

______________________________________

(ваколатли шахс Ф.И.О. ва лавозими)
М.Ў.

Сана: 2021 йил «___» __________________

_________________________________номидан

[Иштирокчи номланиши ва почта манзили]

**“Деҳқонобод калий заводи” МЧЖ**
**Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туман**
**Бешбулоқ қишлоғи**, 180405

**Харид комиссияси**

**2021 йил «__ » _______________ соат :00 гача ОЧИЛМАСИН**

**“Деҳқонобод калий заводи” АЖ”** (*ЛОТ ракамм ва танлаш пердмети номланиши)*
хизматларини кўрсатиш танлашида иштирок этиш учун

**Таклиф келиб тушган пайт: санаси 2021 йил «____» __________.**
Вақти ______ соат _____дақиқа

***Тижорат таклифли** конвертларни қабул қилиш танлаш ташкилотчиси томонидан амалга оширилади. Конверт устки қисмида ташкилот раҳбарининг паспорт копияси ташкилотга тегишли телефон номери албатта бўлиши шарт Тел. +99875 612-50-23 (91) 450-72-00.